

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc. 02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

МУРОДОВ БАҚОЖОН ЭГАМБЕРДИЕВИЧ

**УНАБИ ЭНТОМОФАУНАСИНИНГ БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА
БИОЦЕНОЗДА УЛАР МИҚДОРИНИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси авторефератининг мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Муродов Бақожон Эгамбердиевич

Унаби энтомофаунасининг биоэкологияси ва биоценозда улар миқдорини бошқариш усуллари 5

Муродов Бақожон Эгамбердиевич

Биоэкология энтомофауны унаби и методы контроля их численности в биоценозе..... 27

Murodov Baqojon Egamberdiyevich

Bioecology of unabi entomofauna and methods for controlling their numbers in biosenoses 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc. 02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

МУРОДОВ БАҚОЖОН ЭГАМБЕРДИЕВИЧ

**УНАБИ ЭНТОМОФАУНАСИНИНГ БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА
БИОЦЕНОЗДА УЛАР МИҚДОРИНИ БОШҚАРИШ
УСУЛЛАРИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Биология фанлари доктори (DSc) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.DSc/B178 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат Аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.izology.uz) ва «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий консултант:	Кимсанбоев Ҳожимурод Ҳамроқулович биология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Бекчанов Худойберган Ўринович биология фанлари доктори, профессор Зокиров Исламжон Илҳомжонович биология фанлари доктори, профессор Хусанов Алижон Каримович биология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Миллий Университети

Диссертация ҳимояси Зоология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.B.52.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «02» май куни соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232 б-уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65; E-mail: zoology@academy.uz).

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№1725-AR рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232 б-уй. Тел.: (+998) 71- 289-04-65.

Диссертация автореферати 2025 йил «16» апрель куни тарқатилади.
(2025 йил «16» апрелдаги 4-рақамли реестр баённомаси).



Б.Р.Холматов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

Г.С.Мирзаева
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, б.ф.д., профессор

А.Э.Кучбоев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияни аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати: Бугунги кунда дунё миқёсида демографик ҳолатнинг интенсив равишда ортиб бориши натижасида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби ҳам мос равишда кескин ортиб бормоқда. Айниқса, дунё аҳолисини озиқ-овқат маҳсулдорлиги юқори бўлган, сифатли ва экспортбоп мева маҳсулотларига бўлган талабини ҳам ортишига олиб келмоқда. Мевали боғлар хавфли зараркунандаларининг тарқалиш майдони йилдан йилга кенгайиб, зарари ортиши оқибатида маҳсулот экспортбоплиги, сифати ва ҳосилдорлиги пасайиб, маҳсулот етиштирувчи хўжаликларга иқтисодий жиҳатдан зарар келтирмоқда. Шунга кўра, унаби боғлари биоценозидаги ҳашаротларнинг тур таркибини аниқлаш, экологиясини асослаш ҳамда инвазив турларга қарши экологик безарар кураш усулларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда мевали экинлар жумладан унаби (*Ziziphus jujuba*) майдонларини кенгайтириш, унаби ўсимлигида учровчи ҳашаротлар тур таркибини аниқлаш, зоогеографияси ва био-экологик хусусиятларини тадқиқ этиш, инвазив турлар мониторингини олиб бориш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Сўнгги йилларда унаби ўсимлиги Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Афғонистон, Покистон, АҚШ ва Россия каби давлатларда катта миқдорда етиштирилмоқда. Унаби экинидан юқори ва сифатли ҳосил олишда жиддий таъсир этувчи зараркунанда ҳашаротларини тарқалиш йўллари, биоэкологиясини ўрганиш асосида уларга қарши уйғунлашган кураш тизимини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда боғ агроценозларида учровчи зараркунандалар, жумладан унаби (*Ziziphus jujuba*) боғлари биоценозидаги ҳашаротларнинг тур таркибини аниқлаш ҳамда зарарли турларига қарши курашиш чора тадбирларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада жумладан, унаби зараркунандаларидан бири ҳисобланган унаби мева пашшасининг биоэкологик хусусиятлари аниқланди, зарарли турларига қарши кураш чоралари такомиллаштирилди. Бу борада “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида¹ «...кўшимча 300 минг гектар ер майдонини замонавий сув тежайдиган технологияларни қўллаш орқали ўзлаштириш ва мазкур ерларда озуқабоп, доривор, мойли, дуккакли, шоли, ғалла, сабзавот, полиз экинлари экиш, интенсив боғ ва узумзорлар ташкил этиш» каби устувор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, унаби биоценозидаги ҳашарот турларининг хилма-хиллигини аниқлаш, зарарли турларининг тарқалишини таҳлил қилиш, био-экологик хусусиятларини очиб бериш ҳамда инвазив турларга қарши экологик безарар кураш усулларини ишлаб чиқиш муҳим экологик безарар препаратлардан фойдаланган ҳолда, улар сонини бошқаришда уйғунлашган кураш усулларини ишлаб чиқиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 11-сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисидаги ПФ-158-сон Фармони.

муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 31 августдаги “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги ва 2023 йил 9 ноябрдаги “Ўсимликларни химоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги «Республикада ўсимликлар карантини ва химояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6262-сон Фармони, 2020-йил 13-октябрдаги “Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ - 4861-сон ва “Ўзбекистон Республикаси ўсимликлар карантини ва химояси агентлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ - 5185 сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳитни муҳофазаси” устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹.

Унаби биоценозидаги ҳашарот турларининг хилма-хиллиги, зоогеографияси, биоэкологияси, инвазив турлар мониторинги ва уларга қарши кураш усуллари ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Бутунроссия ўсимликларни химоя қилиш ва карантини илмий-тадқиқот институти (Россия), Флорида университети (АҚШ), Канзас университети (АҚШ), Умумий ва амалий энтомология жамияти (Германия), Фирдавсий университетининг ўсимликларни химоя қилиш бўлими (Эрон,) Зоология институти (Украина), Зоология институти (Хитой), Энтомология институти (Чехия фанлар академияси), Indian Agricultural Research Institute (Ҳиндистон) ва ТошДАУ (Ўзбекистон) ва бошқа илмий муассасаларда олиб борилмоқда.

Унаби ўсимлиги биоценози ҳашаротларининг тур таркиби, тарқалиш йўллари, биоэкологияси бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги илмий натижалар олинган: унаби ўсимлигини қора сохта қалқондор (*Saissetia nigra*) зараркунандаси томонидан жиддий зарарланиши ва тарқалиши аниқланган (Federal University of Pelotas, Department of Ecology, Zoology and Genetics, Brasil), унаби экини зараркунандаларининг биоэкологик хусусиятлари ва трофик алоқалари аниқланган (Istanbul University Faculty of Science, Turkey), Американинг кўпгина мамлакатларида унабига шарқ мева пашшаси (*Bactrocera dorsalis*) зарар етказиши аниқланган ва уларга қарши кураш усуллари ишлаб чиқилган (United States Department of Agriculture,

¹ Dissertatsiyaning mavzusi bo'yicha ilmiy tadqiqotlar sharhi <http://www.works.doklad.ru>, <http://www.km.ru>, www.dissercat.com, [researchget.com](http://www.researchget.com), <http://www.fundamental-research.ru>, www.webofscience.com www.agroatlas.ru va boshqa manbalar asosida ishlab chiqilgan.

USDA, Agricultural Research Service ARS).

Дунёдаги илмий марказларда боғ агроценозларида учровчи зараркунандалар, жумладан унаби (*Ziziphus jujuba*) биоценози фаунистик комплекслари бўйича ҳозирги кунда қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: унаби ўсимлигида учровчи ҳашарот турларининг тарқалиш сабабларини асослаш, унаби экинида учровчи зараркунанда ҳашаротларнинг молекуляр-генетик идентификация қилиш, зарарли турлар популяция динамикасини олдиндан башорат қилиш, уларнинг сонини бошқариш усулларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Унаби энтомофаунаси инвазив турларидан унаби мева пашшаси бўйича маълумотлар И. К. Лопатин (1959), П. Н. Кудинич (1965), Н. С. Борхсениус (1963), Б. Б. Родендорф (1961), Г. Я. Бей-Биенко (1966), А. А. Рихтер (1950), М. Н. Кандыбина (1984), Д. Н. Кобахидзе (1987), Б. И. Багдавадзе (1977), Б. В. Романевич (1956, 1958) ларнинг илмий ишларида ёритилган. Субтропик ўсимлик унабининг энтомофаунаси Ўзбекистондагина эмас балки Марказий Осиёда ҳам жуда тор доирада ўрганилган. Унабида учровчи инвазив ҳашаротлардан биргина унаби мева пашшасининг зарари натижасида ҳосилнинг 50-60% миқдори, айрим ҳолларда эса 90-100% миқдори нобуд бўлмоқда.

Унаби зараркунанда ҳашаротлари тур таркибини ўрганиш бўйича махсус изланишлар ўтказилмаган. Адабиётларда тор доирадаги маълумотлар учрайди.

Сўнгги йилларда унаби зараркунандаларидан бир тури унаби мева пашшасининг биоэкологик хусусиятлари ва унга қарши самарали кураш чоралари Тошкент давлат Аграр университети олимлари Б.Муродов, Ш.Эсанбоев (1996), Б.Муродов (1997, 1999), Х.Кимсанбоев, Б.Муродов, А.Юсупов (2000), Б.Муродов, А.Зайниев, Ш.Абдурахмонова (2003), Б.Муродов, А.Юсупов (2003, 2004), А.Худойкулов, А.Пардабоев (2022) лар томонидан ўрганилган.

Бироқ, юқоридаги тадқиқот ишлари унаби (*Ziziphus jujuba*) ўсимлиги энтомофаунасининг биологияси, экологияси ва биоценозда унаби зараркунандалари миқдорини бошқариш усуллари ҳақида тўлиқ маълумотлар бера олмайди. Шунга кўра, унаби энтомофаунаси турлари ва уларнинг биоэкологиясини ўрганиш, уларга қарши экологик хавфсиз усуллар агротехник, биологик ва кам захарли препаратлардан фойдаланиб, улар сонини бошқариш бўйича янги тадқиқотлар ўтказиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Органик деҳқончилик стандартларига мувофиқ мева-сабзавот экинлари етиштиришда зараркунандаларга қарши кураш тизимини ишлаб чиқиш” (2018-2022) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади унаби биоценозидаги ҳашаротларнинг замонавий ҳолатини баҳолаш ҳамда инвазив доминант турларни бошқаришга оид экологик безарар кураш усулларини ишлаб ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

унаби энтомофаунаси ва мевасини сақлаш даврида учровчи ҳашаротлар тур таркибини аниқлаш;

аниқланган ҳашаротларни систематик таҳлил қилиш;

унаби биоценозида учровчи ҳашаротларнинг географик тарқалишини, озикланиш усулларини, аҳамиятини ва биоэкологик хусусиятларини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш;

унабининг ўсимликлар карантини аҳамиятига эга ҳашаротларини географик тарқалиши ва зарарини асослаш;

ўсимликлар карантини аҳамиятига эга ҳашаротларини Ўзбекистонга кириб келиш йўллари таҳлил этиш;

четдан унабини экспортбоп навларининг экиш материалларини (кўчат, қаламча ва уруғлар) фитосанитар тоза келтириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш;

унаби ўсимлиги энтомофаунаси ва мевасини сақлаш даврида учровчи инвазив турлар аҳамиятини ўрганиб баҳолаш ҳамда уларнинг сонини бошқаришга оид илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида унаби ўсимлиги энтомофаунасида ва мевасини сақлаш даврида учровчи ҳашаротлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети унаби ўсимлигининг энтомофаунаси ва мевасини сақлаш даврида учровчи ҳашаротлар, тарқалиши, биоэкологик хусусиятлари ва инвазив турларни бошқаришда қўлланилган кураш чоралари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишини бажаришда биологияда қўлланиладиган кузатиш, таққослаш, экологик, энтомологик ва математик-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистонда унаби ўсимлиги энтомофаунасининг замонавий ҳолати таҳлил қилиниб, 8 туркум, 23 та оила, 39 авлодга мансуб 52 тури аниқланган;

унаби энтомофаунаси доминант турлари - *Parlatoria oleae*, *Quadraspidotus perniciosus*, *Carpomya vesuviana*, *Plodia interpunctella*, *Trogoderma versicolor*, *Tribolium confusum*, *Oryzaephilus surinamensis* нинг биоэкологик хусусиятлари, тарқалиши, зарар етказиши ҳамда мавсумий ўзгаришлари аниқланган;

унаби энтомофаунаси фитофаг ҳашаротларининг яшаш тарзига кўра 3 та, трофик ихтисослашувига кўра 2 та, трофик алоқалар билан популяцияларининг шаклланишига кўра 4 та экологик гуруҳларга ажратилган;

чет эл унаби биоценозидаги карантин аҳамиятига эга хавфли инвазив турлар рўйхати шакллантирилган ва фитосанитар хавфи асосланган;

унаби энтомофаунасининг инвазив турлари сонини бошқаришда биологик, агротехник ва кимёвий кураш чораларини самарадорлиги очиб берилган;

чет эл унаби энтомофаунасида мавжуд хавфли инвазив турларни республика ҳудудига кириб келишини олдини олиш чора тадбирлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

унаби энтомофаунасининг инвазив турларини атроф муҳит учун зарарсиз бошқариш усулларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Унаби ўсимлиги ривожланишига катта хавф солувчи инвазив турлар (*Parlatoria oleae*, *Quadraspidiotus perniciosus*, *Carpomya vesuviana*, *Plodia interpunctella*, *Trogoderma versicolor*, *Tribolium confusum*, *Oryzaephilus surinamensis*)нинг биоэкологик хусусиятлари очиб берилган ва уларга қарши кураш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган;

Унаби ўсимлиги инвазив турлари популяцияларини бошқаришда биологик, кимёвий ва агротехник кураш чора тадбирлари ишлаб чиқилган ҳамда унаби майдонларида синов тажрибалари натижасида юқори самарадорликка эришиш йўллари очиб берилган;

Унаби ўсимлиги инвазив турларига қарши далада олтинкўз энтомофагини ва мевасини сақлаш даврида жануб омбор парвонасининг личинкаларига қарши бракон энтомофагини 1:5 ва 1:10 нисбатларда қўллаш исботланган;

Унаби ўсимлиги инвазив турларига қарши ёз фаслида икки марта Фьюри, 10% к.э. (1л/га); Требон, 30% (3 л/га), Суми-альфа 5% к.э. (1 л/га), Цимбуш, 25% к.э. (1л/га), Каратэ, 5% к.э. (0,5 л/га) ҳамда Децис, 25% к.э. (0,5 л/га) каби препаратлар билан ишлов бериш изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олиб борилган лаборатория ва дала тажрибаларида замонавий усуллардан фойдаланилганлиги, қўлланилган услублар тадқиқотларни бажаришга мослиги, олинган натижалар республика ва хорижий олимларнинг тажрибалари билан таққосланганлиги, маълумотлар ишончлилиги, тадқиқотлар йўналиши Давлат буюртмалари бўйича фундаментал, амалий ва инновация лойиҳаларининг таркибий қисми эканлиги, тадқиқотлар натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, натижаларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан эътироф этилган Ўзбекистон ва чет эл нашрларида эълон қилинганлиги, унаби зараркундаларини тур таркиби систематик таҳлил этилганлиги, шунингдек амалий натижаларнинг ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги, амалиётга жорий этилганлиги ҳамда қонун ва қонун ости ҳужжатларида акс этганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унаби (*Ziziphus jujuba*) энтомофаунасининг тўлиқ таҳлил қилинганлиги, энтомофаунада

популяциялар шаклланиши изоҳланганлиги, доминант турларнинг биоэкологияси ва зарар келтириш хусусиятлари асосланганлиги ҳамда фитофаг турларнинг унаби ўсимлигидан фойдаланиш хусусиятлари таҳлил этилганлиги билан изоҳланади.

Илмий тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унаби энтомофаунаси асосий инвазив турларининг тарқалиш йўллари ва кўпайиш хусусиятларини белгилаш, ўсимликка зарар етказиш даражасини аниқлаш, уларга қарши биоэкологик безарар кураш усуллари ишлаб чиқилганлиги ҳамда Ўзбекистонда мавжуд бўлмаган инвазив турларнинг кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Унаби энтомофаунасининг биоэкологияси ва биоценозда улар миқдорини бошқариш усуллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

унаби ўсимлигининг доминант инвазив турларига қарши курашда пестицидларни қўллаш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бошқармалари фаолияти амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 17-августдаги 04/21-06/894-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистондаги унабизорларда учровчи ва иқтисодий хавфли зараркундаларга қарши кураш чоралари ишлаб чиқилиб, унаби ҳосилдорлигини 90-100 фоизгача зарарланишдан сақлаб қолиш имконини берган;

Унаби ўсимлиги кўчатлари билан четдан кириб келиш хавфи бўлган ўсимликлар карантини аҳамиятига эга инвазив турларнинг Ўзбекистон Республикаси флораси учун фитосанитар хавфи таҳлил этилиши юзасидан ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-484-сон Қонунини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитасининг 2022 йил 2-ноябрдаги 04/8-10-4761в4-сон маълумотномаси). Натижада, Ўсимликлар карантини тўғрисидаги қонунни жорий қилиниши, республиканинг фитосанитар тозаллигини таъминлаш имконини берган;

республикага четдан кириб келиши мумкин бўлган ўсимликлар карантинидаги зарарли организмларни тарқалишини олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг ҳудудий бошқармалари фаолияти амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг 2023 йил 18-январдаги 2-39/101-сон маълумотномаси). Натижада, четдан кириб келиши мумкин бўлган карантин зарарли организмлардан фитосанитар тоза унаби кўчатларини республикага келтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманлари ва симпозиумларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шундан 1 та монография, 2 та услубий қўлланма ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола (7 та республика ва 4 та хорижий журналларда), 13 та тезис халқаро ва маҳаллий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, олти боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 202 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати илмий асосланган. Тадқиқотларнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари ёритиб берилган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги асосланган. Чет эл олимларининг илмий тадқиқотлари ўрганилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ҳамда илмий асосда олинган тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти ҳамда тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ўзбекистонда мевали боғлар энтомофаунасининг ўрганилиш ҳолати”** деб номланган ва унда мавзу оид маҳаллий ҳамда чет эл адабиётларида келтирилган илмий тадқиқотларнинг натижалари таҳлил этилган. Шу билан бирга унаби (*Ziziphus jujuba*) энтомофаунаси зарарли турларининг табиий кушандаларини аҳамияти, инвазив турларга қарши экологик безарар агротехник, биологик курашнинг имкониятлари, қарши курашда қўлланиладиган усуллар ва уларнинг истиқболларининг таҳлили баён этилган.

Диссертациянинг **“Унаби энтомофаунасини ўрганиш услублари ва материали»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган жойларнинг табиий иқлим шароитлари ва географик жойлашуви, унаби етиштириш агротехникаси ҳамда тадқиқот олиб бориш усулари ёритилган.

Илмий изланишлар ТошДАУнинг тажриба хўжалигидаги унабизорда ва Ўсимликлар карантини ва химояси кафедрасида, Ўсимликларни карантини ва химояси илмий тадқиқот институтининг “Омбор зараркундаларига қарши курашиш” лабораториясида, академик М.Мирзаев номидаги БУВИТИ ва Навоий вилояти Нурота туманидаги унабизорда 2018-2024 йилларда олиб борилди.

Мазкур илмий ишни олиб боришда унабига зарар етказувчи зараркундаларни ва уларнинг биологиясини ўрганиш учун энтомология фанида қабул қилинган ҳашаротларни ўрганиш усулларига риоя қилинди.

Йиғилган намуналар ТДАУнинг Ўсимликлар карантини ва химояси кафедраси ҳамда Ўсимликлар карантини ва химояси илмий тадқиқот институтининг лабораторияларида профессор Х.Х.Кимсанбоев бошчилигидаги олимлар Б.Муродов, У.Ортиқов, О.Сулаймонов, А.Холлиев ва бошқалар томонидан тур даражасигача аниқланди. Унаби энтомофаунасини систематик жиҳатдан ўрганишда соҳага оид қатор қўлланмалардан фойдаланилди. Зарур ҳолларда турларни аниқлашда интернет онлайн-аниқлагичлардан ҳам фойдаланилди.

Диссертациянинг “Унаби биоценозининг фаунистик таҳлили” деб номланган учинчи бобида унаби ўсимлиги биоценозида учровчи ҳашаротлар, уларнинг тарқалиши, халқаро номланиши, синонимлари, морфологик ва биоэкологик хусусиятлари ўрганилган.

Чет мамлакатларда унаби ва у билан бирга бошқа юзлаб ўсимликларга катта зарар етказётган бир неча тур зараркунандаларнинг республика ҳудудига кириб келиш эҳтимоли мавжуд бўлиб, улар Ўзбекистон ўсимликлар олами биологик хилма хиллиги учун катта хавф бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ушбу зараркунандаларни республика ҳудудига кириб келишини олдини олиш долзарб ва муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистонда унаби ўсимлигида урчайдиган зараркунанда ва фойдали ҳашаротларнинг тур таркиби ўрганилди. Тадқиқотлар давомида унаби ўсимлиги биоценозида учровчи 50 дан ортиқ зарарли ва фойдали организмлари аниқланди. Жумладан унаби ўсимлигига асосий зарар этказувчи организмлари ҳашаротлар ва ўргимчаксимонлар синфига тааллуқли турлар эканлиги кузатилди.

Унаби ўсимлиги агроценози энтомофаунасида 8 та туркум, 23 та оила, 39 авлоддан иборат 52 турга мансуб ҳашаротлар учраб, систематик тартибга кўра Hemiptera туркуми вакиллари 17 турга эга бўлиб, энтомофаунадаги ҳашаротлар умумий миқдорига нисбатан улуши 32,7% ни, Coleoptera туркуми вакиллари 13 турни, улуши 25,0% ни, Lepidoptera туркуми вакиллари 6 турни, улуши 11,5% ни, Diptera туркуми вакиллари ҳам 6 турни, улуши 11,5% ни, Hymenoptera туркуми вакиллари 5 турни, улуши 9,6% ни, Orthoptera va Thysanoptera туркуми вакиллари бир турдан учраб улуши 1,9 % ни ташкил этади (1–жадвал).

1– жадвал

Унаби ўсимлиги энтомофаунасининг таксономик таркиби

№	Туркум	Оила	%да	Авлод	%да	Тур	%да
1	Hemiptera	3	13,0	10	25,6	17	32,7
2	Heteroptera	2	8,8	3	7,7	3	5,9
3	Thysanoptera	1	4,3	1	2,6	1	1,9
4	Hymenoptera	2	8,8	4	10,5	5	9,6
5	Coleoptera	9	39,1	11	28,2	13	25,0
6	Lepidoptera	4	17,4	6	15,3	6	11,5
7	Diptera	1	4,3	3	7,7	6	11,5
8	Orthoptera	1	4,53	1	2,6	1	1,9
Жами: 8		23	100	39	100	52	100

1-жадвалдан кўришиб турганидек илмий изланишлар олиб борилган ҳудудларда унаби ўсимлиги биоценозида аниқланган ҳашарот

туркумларининг оилалар ва авлодлар бўйича тақсимланишига кўра энг кўпи Coleoptera туркумига 9 оила (39,1%), 11 авлод (28,2%), Hemiptera туркумига 3 оила (13,0%), 10 авлод (25,6%), Lepidoptera туркумига 4 оила (17,4%), 6 авлод (15,3%) тўғри келса, энг кам оила ва авлодлар Thysanoptera, Diptera ва Heteroptera туркумларига мансуб эканлиги аниқланди.

Ушбу 52 тур ҳашаротларнинг 7 туркумга мансуб 42–тури унаби ўсимлиги учун инвазив турлар ва 3 туркум 10 тури эса инвазив бўлмаган турлар ҳисобланади (2–3-жадвал). Инвазив бўлмаган турларга Hemiptera туркумидан – 2 тур, Hymenoptera туркумидан 5–тур (барчаси) ва Coleoptera туркумидан 3 тур мансублиги аниқланди (3–жадвал).

2– жадвал

Унаби ўсимлиги энтомофаунасининг инвазив турлари таркиби

№	Туркум	Оила	%да	Авлод	%да	Тур	%да
1	Hemiptera	3	18,75	10	34,48	17	40,47
2	Heteroptera	1	6,25	1	3,48	1	2,38
3	Thysanoptera	1	6,25	1	3,48	1	2,38
4	Coleoptera	5	31,25	7	24,13	10	23,8
5	Lepidoptera	4	25,0	6	20,7	6	14,30
6	Diptera	1	6,25	3	10,34	6	14,30
7	Orthoptera	1	6,25	1	3,48	1	2,38
Жами: 7		16	100	29	100	42	100

3– жадвал

Унаби ўсимлиги энтомофаунасининг инвазив бўлмаган турлари таркиби

№	Туркум	Оила	%да	Авлод	%да	Тур	%да
1	Hymenoptera	2	28,6	4	44,44	5	50,0
2	Coleoptera	3	42,8	3	33,33	3	30,0
3	Heteroptera	2	28,6	2	22,22	2	20,0
Жами: 3		7	100	9	100	10	100

Ўзбекистоннинг унаби ўсимлиги энтомофаунасида илк бор – *Tettigonia viridissima*, *Thrips tabaci*, *Diaspidiotus perniciosus*, *Diaspidiotus elaeagni*, *Diaspidiotus prunorum*, *Diaspidiotus turanicus*, *Salicicola archangelskyae*, *Parlatoria oleae*, *Parlatoria ephedrae*, *Lepidosaphes turanica*, *Lepidosaphes ulmi*, *Lepidosaphes pistaciae*, *Phenacoccus cevalliae*, *Orius niger*, *Apodiphus integriceps*, *Camponotus lameerei*, *Crematogaster subdentata*, *Plagiolepis pallelescens*, *Xylocopa turanica*, *Xylocopa valga*, *Ephestia kuehniella*, *Galleria mellonella*, *Plodia interpunctella*, *Coccinella septempunctata*, *Cicindela turkestanica*, *Oxythyrea funesta*, *Trogoderma versicolor*, *Tribolium confusum* ва *Oryzaephilus surinamensis* қайд этилди. Ушбу ҳашаротлар 7 туркум, 16 оила, 21 авлодга мансуб 29 турдан иборатлиги қайд этилди (4–жадвал).

4– жадвал

**Ўзбекистонда унаби ўсимлиги энтомофаунасида илк бор қайд
этилган турлар таркиби**

№	Туркум	Оила	%да	Авлод	%да	Тур	%да
1	Hemiptera	3	18,75	5	23,81	11	37,93
2	Heteroptera	2	12,50	2	9,52	2	6,90
3	Thysanoptera	1	6,25	1	4,76	1	3,45
4	Coleoptera	6	37,50	6	28,57	6	20,69
5	Lepidoptera	1	6,25	2	9,52	3	10,34
6	Hymenoptera	2	12,50	4	19,04	5	17,24
7	Orthoptera	1	6,25	1	4,76	1	3,45
Жами: 7		16	100	21	100	29	100

Ўзбекистон халқи томонидан етиштирилаётган турли туман мевалар, сабзаотлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан шунингдек унабидан олинган ҳосилни омборхоналарда узоқ вақт сақлаб туриш ҳамда халқимиз дастурхонига сифатли етказиб бериш қишлоқ хўжалиги олдида қўйилган муҳим вазифалардан биридир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини омборхоналарда сақлаш даврида бир неча турдаги зараркунанда ҳашаротлар зарар етказиб катта қисмини истеъмолга яроқсиз бўлишига сабаб бўлади.

Унаби ҳосилини нафақат ўсув жараёнида балки омборхонада сақлаш даврида ҳам инвазив ҳашарот турларидан химоя қилиш учун уларнинг тур таркиби ва биологик хусусиятлари ўрганиш талаб этилади.

Унаби меваларини омборхонада сақлаш даврида жануб омбор парвонаси (*Plodia interpunctella*), суринам унхўри (*Oryzaephilus surinamensis*), кичик ун митаси (*Tribolium confusum*) ва чипорранг терихўр кўнғизи (*Trogoderma versicolor*) каби ҳашаротлар билан зарарланиши аниқланди (5 – жадвал).

5 – жадвал

**Унаби меваларини омборхонада сақлаш даврида учровчи
ҳашаротлар**

№	Зараркунандаларни ўзбекча номи	Зараркунандаларни лотинча номи	Зараркунандаларни русча номи
Тангақанотлилар туркуми (<i>Lepidoptera</i>) – Чешуекрылые или бабочки			
Парвоналар оиласи – <i>Pyralidae</i> – Огнёвки			
1	Жанубий омбор парвонаси (Ҳиндистон кюяси)	<i>Plodia interpunctella</i> Hb	Южная амбарная огневка
Қаттиққанотлилар туркуми (<i>Coleoptera</i>) – жесткокрылие			
Терихўрлар оиласи – <i>Dermestidae</i> – Кожееды			
2	Чипорранг терихўр	<i>Trogoderma versicolor</i> Creutz	Пёстроцветный кожеед
Қора танлилар оиласи – <i>Tenebrionidae</i> – Чернотелки			
3	Кичик ун митаси	<i>Tribolium confusum</i> Duv	Малый мучной хрущак
Ясси танлилар оиласи – <i>Cucujidae</i> – Плоскотелки			
4	Суринам унхўри	<i>Oryzaephilus surinamensis</i> L.	Суринамский мукоед

Унаби мевасини сақлаш жараёнида зарар етказувчи ҳашаротлар

синфининг қаттиққанотлилар туркумига мансуб зараркунандаларнинг барча турлари ривожланишининг икки босқичида яъни личинка ва вояга етган босқичида зарар етказиши аниқланди. Суринам унхўри, кичик ун митаси ва чипорранг терихўр қўнғизлари икки ривожланиш босқичида зарар етказиб меваларни истеъмолга яроқсиз ҳолга келтиради.

Унаби мевасини сақлаш даврида зарар етказаётган барча зараркунандалар личинкаси меванинг эт қисмини кемириб озиқланади ва ўздан чиқарган чиқиндилари билан ифлослантиради. Зарарланган мевалар истеъмол учун яроқсиз бўлиб қолади, ушбу меваларни чорва ҳайвонлари учун озуқа сифатида ҳам ишлатиш мумкин бўлмайди.

Унабини омборхонада сақлаш давридаги барча ҳашаротлар иқтисодий жиҳатдан хавfli ҳисобланади ҳамда уларга қарши қуйидаги кураш чораларини амалга ошириш талаб этилади:

- омборхоналарга олиб кириладиган республикада етиштирилган унаби ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўсимликларни карантини ва ҳимояси мутахассислари томонидан текширувдан ўтказилган ва фитосанитар сертификати мавжуд бўлиши;

- унаби ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳаво ҳарорати ва намлиги бошқариладиган омборхоналарда сақлаш;

- омборхоналарга аламчи емлар тайёрлаб қўйиш;

- зарарланган ҳудудлардан маҳсулотларни республикага олиб кирилишини олдини олиш;

- ҳаво ҳарорати ва намлиги бошқарилмайдиган омборхоналарда зараркунандалар аниқланганда ёки меваларни сақлашдан олдин соҳа мутахассислари томонидан республикада ишлатилишига рухсат этилган фумигантлар билан зарарсизлантирилиши шарт.

Унаби ўсимлигининг энтомофаунасида 3 та туркум 4 та оиланинг 5 тур энтомофаглари мавжуд.

Унаби ўсимлигининг Ўзбекистонда тарқалган минтақавий аҳамиятга эга асосий инвазив турларига – *Carpomya vesuviana* A Costa., *Thrips tabaci*, *Tetranychus urticae*, *Diaspidiotus perniciosus*, *Diaspidiotus elaeagni*, *Diaspidiotus prunorum*, *Diaspidiotus turanicus*, *Salicicola archangelskyae*, *Parlatoria oleae*, *Parlatoria ephedrae*, *Lepidosaphes turanica*, *Lepidosaphes ulmi*, *Lepidosaphes pistaciae*, *Plodia interpunctella*, *Trogoderma versicolor*, *Tribolium confusum*, *Oryzaephilus surinamensis*, *Oxythyrea funesta*, *Tarucus balcanicus*, *Polydrosus dohrni*, *Polydrosus obliquatus* ва *Clitra ovata* ҳашаротлари киради.

Унаби ўсимлигининг республикамиз ҳудудига кириб келиши мумкин бўлган ўсимликлар карантини аҳамиятига эга бўлган *Bactrocera correcta*, *Bactrocera dorsalis*, *Ceratitis capitata*, *Ceratitis rosa*, *Aonidiella orientalis*, *Pseudaulacaspis pentagona*, *Ceroplastes japonicus*, *Ceroplastes ceriferus*, *Yeulecanium gigantea*, *Huphantria cunea*, *Popillia japonica*, *Halyomorpha halys* ва *Thaumatotibia leucotreta* каби ўсимликлар олами биологик хилма хиллиги учун катта хавф бўлган полифаг ҳашарот турлари мавжуд.

Фақат унаби (*Ziziphus*) ўсимликларига зарар етказувчи *Carpomya*

incompleta монофаг ҳашарот тури эканлиги қайд этилди.

Унаби мевасини сақлаш даврида Ўзбекистонда жануб омбор парвонаси, кичик ун митаси, суринам унхўри, тегирмон парвонаси, чипорранг терихўри ва мум куяси зарар етказди.

Унаби мевасини сақлаш давридаги инвазив турларнинг бир авлодини ривожланиши учун фойдали ҳарорат йиғиндиси ўрганилди. Ўзбекистонда жануб омбор парвонаси 3–5 марта, кичик ун митаси 4 марта, суринам унхўри 4 марта, чипорранг терихўр 2–3 марта авлод бериб ривожланади.

Омборхонада учрайдиган барча зараркунандаларга қарши квикфос 57% фосфин асосли фумиганти билан синов ишлари олиб борилди. Бунда бир метр куб ҳажмдаги омборхона учун 25 °С ва ундан юқори ҳароратда 6 грамм микдорида фумигант сарфланиши натижасида зараркунандалар 100 % нобуд бўлишига эришилди.

Диссертациянинг “**Унаби биоценози доминант ва инвазив турларининг тарқалиши, биоэкологияси ва зарар келтириш хусусиятлари**” деб номланган тўртинчи бобида унаби ўсимлиги майдонларидаги доминант ва инвазив турларнинг тарқалишини экологик таҳлили келтирилган. Ундан ташқари Ўзбекистонга четдан кириб келиб катта зарар етказиши мумкин бўлган ўта хавфли ўсимликлар карантинидаги зарарли организмларини кириб келиб тарқалишининг катта иқтисодий ва экологик муаммоларни юзага келтириши бўйича фактлар келтирилган. Унаби биоценозининг муҳим фитофаглари ва уларнинг зарар келтириш хусусиятлари ҳамда доминант турлар биологияси ва экологик хусусиятлари кенг ёритиб берилган.

Унаби биоценозида учровчи доминант ва инвазив турларни кириб келиши ва мослашиш хусусиятларига кўра учта экологик гуруҳга ажратилди.

Биринчи гуруҳни фақат унаби билан озикланувчи монофаглар ташкил этади. Мазкур ҳашаротлардан бир тури унаби мева пашшаси (*Carpomyia vesuviana*) бўлиб, у Ўзбекистон ва бошқа унаби ўсадиган давлатларда тарқалган. Зараркунандаларнинг битта унаби мевасида 2, 3 ва ундан кўп личинкаси ривожланиши мумкин, иккинчи тури эса *Carpomyia incomplete* бўлиб Ўзбекистон тарқалмаган шунинг учун кириб келишини олдини олиш талаб этилади.

Иккинчи экологик гуруҳига унаби ва бошқа кўплаб тур ўсимликлардан озуқа сифатида фойдаланадиган полифаг ҳашаротлар киради. Ушбу иккинчи экологик гуруҳга мансуб Ўзбекистонда мавжуд бўлмаган кўп турлар ўсимликлар карантинига мансуб бўлиб кириб келиб тарқалиши биоценоз учун ниҳоятда хавфли ҳисобланади. Ушбу гуруҳга мансуб турлар табиий йўллар билан ҳам ўз ареалини кенгайтиради, илдизли унаби кўчатлари ва зарарланган мевалар орқали маҳсулотларни импорт ва экспорт жараёнида тарқалиши мумкин. Шунинг учун уларни кириб келиб тарқалишини олдини олишда ўсимликлар карантини талабларига риоя этиш талаб этилади.

Учинчи экологик гуруҳга мансуб ҳашаротлар унаби ва бошқа ўсимликлар биоценозларини шаклланишида зарар етказмайди. Масалан, асалари, олтинкўз ва хонқизиларни мисол қилиш мумкин. Ушбу ҳашарот

турлари ўсимлик биоценозини шаклланишида катта ёрдам беради. Асаларилар ўсимлик чангланишига хизмат қилса, энтомофаг ҳашаротлар унаби ўсимлигига зарар етказувчи инвазив турлар миқдорини камайтириб туради.

Ўзбекистон Республикасида ўсимликлар карантини соҳасига 2008 йилдан бошлаб давлат томонидан эътибор кучайишига Россия ва бошқа айрим давлатлар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортига қўйилган айрим таъқиқлар сабаб бўлди. Масалан, Россия томонидан шу йилларда куруқ меваларга, Жунубий Корея томонидан гилос ва қовунга таъқиқ қўйилди. Шу ва шунга ўхшаш сабаблар оқибатида ўсимликлар карантини соҳасини тубдан ўзгартириш зарурлиги юзага келди. Натижада давлат томонидан соҳани тубдан ислоҳ қилиш учун қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди ҳамда ижроси амалга оширилди.

6-жадвалда номлари қайд этилган Ўзбекистонда кириб келиши мумкин бўлган унаби энтомофаунасининг систематикаси, тарқалган худудлари, морфологик белгилари, биоэкологик хусусиятлари, Ўзбекистонга кириб келиши мумкин бўлган табиий ва сунъий йўллари ҳамда олдини олиш карантин тадбирлари кенг ёритиб берилган.

6-жадвал

Ўзбекистонга кириб келиш хавфи бўлган унаби энтомофаунасининг таксономик тавсифи

Туркум	Оила	Зарарқунанданинг ўзбекча ва латинча номи
Тенг қанотлилар (Hemiptera)	Қалқондорлар (Diaspididae)	Қизил померанц қалқондори (<i>Aonidiella orientalis</i>)
		Тут қалқондори (<i>Pseudaulacaspis pentagona</i>)
	Сохта қалқондорлар (Coccidae)	Япон мумсимон сохта қалқондори (<i>Ceroplastes japonicus</i>)
		Ҳинд мумсимон сохта қалқондори (<i>Ceroplastes ceriferus</i>)
		Йирик эулекан сохта қалқондори (<i>Eulecanium gigantea</i>)
	Pentatomidae – Ҳақиқий қалқонли қандалалар оиласи	Жигарранг мармар қандаласи (<i>Halyomorpha halys</i> Stal)
Қаттиқ қанотлилар (Coleoptera)	Пластинка мўйловлилар - Scarabaeidae	Япон қўнғизи (<i>Popillia japonica</i> Newman)
Тангақанотлилар (Lepidoptera)	Тортрицид қуялар (Tortricidae)	Сохта олма қуяси (<i>Thaumatotibia leucotreta</i>)
	Оқ капалаклар - Arctiidae	Америка оқ капалаги (<i>Hyphantria cunea</i> Drury)
Икки қанотли ҳашаротлар (Diptera)	Tephritidae – мева пашшалари оиласи	Гуава мева пашшаси (<i>Bactrocera correcta</i>)
		Шарқ мева пашшаси (<i>Bactrocera dorsalis</i>)
		Ўрта ер денгизи мева пашшаси (<i>Ceratitis capitata</i>)
		Наталия мева пашшаси (<i>Ceratitis rosa</i> Karsc)
		Унаби инкомплет мева пашшаси (<i>Carpomya incompleta</i>)


Тадқиқот жараёнида Ўзбекистонда унаби дарахтларида учровчи диаспидларнинг фаунаси, таксономик таҳлили ва тур таркиби ўрганилиб таҳлил этилди. Илмий изланишлар жараёнида аниқланган турларнинг хилма-хил ривожланиш босқичларидан *Diaspididae* оиласининг 4 та авлодига мансуб турлари кузатилди ва намуналари йиғилди. Ушбу ҳашаротлар авлодлар кесимида қуйидагича *Diaspidiotus* 4 тури, *Salicicola* 1 тури, *Parlatoria* 2 тури ва *Lepidosaphes* 3 турининг намуналари йиғилди (7-жадвал).

Diaspididae оиласининг 4 та авлодига (*Diaspidiotus*, *Salicicola*, *Parlatoria* ва *Lepidosaphes*) мансуб бўлиб турлар сони эса жами 10 тани ташкил этди. Ушбу оила зараркунандаларининг авлодларини турлари бўйича тақсимланишида эса *Diaspidiotus* авлодидан 4 тур учраб 40,0%ни, *Lepidosaphes* авлодидан 3 тур учраб 30,0%ни ташкил этиб нисбатан доминантлик қилса, *Salicicola* авлодидан 2 тур учраб 20,0%ни ва *Parlatoria* авлодидан эса 1 тур учраб жами турларни 10,0%ни ташкил этади. (1-расм).

7-жадвал

Унаби ўсимлигида учровчи диаспидларнинг тур таркиби рўйхати

№	Латинча номи	Ўзбекча номи
	Туркум Hemiptera	
	Оила Diaspididae	
	Авлод <i>Diaspidiotus</i>	
1	<i>Diaspidiotus perniciosus</i> (Comstock, 1881)	Калифорния қалқондори
2	<i>Diaspidiotus elaeagni</i> (Borchsenius, 1939)	Жийда юмалоқ қалқондори
3	<i>Diaspidiotus prunorum</i> (Laing, 1931)	Турон қалқондори
4	<i>Diaspidiotus turanicus</i> (Borchsenius, 1935)	Турон тол қалқондори
	Авлод <i>Salicicola</i>	
1	<i>Salicicola archangelskyae</i> (Lindinger, 1929)	Нок оқ қалқондори
	Авлод <i>Parlatoria</i>	
1	<i>Parlatoria oleae</i> (Colvée, 1880)	Бинафшаранг қалқондор
2	<i>Parlatoria ephedrae</i> (Lindinger, 1911)	Эфедра ноксимон қалқондори
	Авлод <i>Lepidosaphes</i>	
1	<i>Lepidosaphes turanica</i> (Archangelskaya, 1937)	Жийда вергулсимон қалқондори
2	<i>Lepidosaphes ulmi</i> (Linnaeus, 1758)	Олма вергулсимон қалқондори
3	<i>Lepidosaphes pistaciae</i> (Archangelskaya, 1930)	Писта вергулсимон қалқондори



1-расм. Унаби мевали дарахтларида *Diaspididae* оиласининг авлодларини учраш даражаси

Илмий кузатишлар жараёнида унабида аниқланган қалқондорлардан бинафшаранг қалқондори (*Parlatoria oleae*), калифорния қалқондори (*Diaspidiotus perniciosus*), турон қалқондори (*Diaspidiotus prunorum*), олма вергулсимон қалқондори (*Lepidosaphes ulmi*) ва жийда вергулсимон қалқондор (*Lepidosaphes turanica*)ларининг зарари бошқа турларга нисбатан юқори эканлиги аниқланди.

Жумладан, унабизорларда бинафшаранг қалқондори (*Parlatoria oleae*)нинг зарари юқори бўлиб 43,4%ни, калифорния қалқондори (*Diaspidiotus perniciosus*)нинг зарари 35,7%ни, турон қалқондори (*Diaspidiotus prunorum*)нинг зарари 31,5%ни, олма вергулсимон қалқондори (*Lepidosaphes ulmi*)нинг зарари 24,1%ни ва жийда вергулсимон қалқондори (*Lepidosaphes turanica*)нинг зарари 20,9%ни ва қолган барча турларнинг зарари эса 8,6% ни ташкил этди.

Илмий изланишларимизда икки қанотлилар туркумига мансуб дунёда унаби меваси билан озиқланиб катта зарар этказадиган олти турдаги зараркунанда ҳашаротлар учраши аниқланди. Улардан тўрт тури полифаг бўлиб (*Bactrocera correcta*, *Bactrocera dorsalis*, *Ceratitis capitata*, *Ceratitis rosa*) Ўзбекистонда аниқланмаган, лекин кириб килиш хавфи мавжуд, икки тури эса монофаг бўлиб биринчи тури *Carpomya incomplete* Ўзбекистонда аниқланмаган ва иккинчи тури эса *Carpomya vesuviana* мева пашшаси бўлиб Ўзбекистоннинг барча унабизорларида учрайди ва иқтисодий жиҳатдан энг хавфли зараркунанда бўлиб ҳисобланади.

Бизнинг олиб борган изланишларимиз ва адабий манбалардаги маълумотларига кўра дунё бўйича унаби биоценози фаунасида 50 дан ортиқ турни учраши маълум бўлди.

Изланишлар натижасида унаби ҳосилдорлигига ашаддий зарар етказиши мумкин бўлган 15 дан ортиқ тури турли табиий ва бошқа йўллар билан кириб келиб тарқалиш хавфи мавжудлиги аниқланди ҳамда олдини олиш чоралари ўрганилди.

Унаби ўсимлигининг энтомофаунаси фитофаглариининг таксономик таркибига кўра Hemiptera туркуми вакиллари энг кўп 17 турга эга бўлиб, энтомофаунадаги жами ҳашаротларга нисбатан улуши 32,7% ни ташкил этади. Coleoptera туркуми вакиллари 13 турни жами ҳашаротларга нисбатан улуши 25% ни, Lepidoptera туркуми вакиллари 6 турни жами ҳашаротларга нисбатан улуши 11,5% ни ва Diptera туркуми вакиллари ҳам 6 турни жами ҳашаротларга нисбатан улуши 11,5% ни ташкил этди.

Ўзбекистон шароитида унабининг энг хавфли зараркунандаси унаби мева пашшасининг биоэкологик хусусиятлари ўрганилди. Унга кўра унаби мева пашшаси Ўзбекистонда иккита авлод бериб ривожланади (8-жадвал).

Унаби мева пашшаси тупроқни юза қисмида ривожланишининг ғумбак босқичида қишлайди.

Ғумбакдан унаби мева пашшасининг ёппасига учиб чиқиши 5-7 кун давом (2020 йил 19-25 июн кунлари) этади.

8-жадвал

Унаби мева пашшасининг ривожланиш фенологик жадвали (ТошДАУ тажриба хўжалиги 2019-2020 йй.)

Авлод	Май			Июн			Июл			Август			Сентябр			Октябр					
	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III			
1-авлод																					
																					
																					
																					
																					
2-авлод																					
																					
																					
																					

 – ғумбак;  – имаго;  – тухум;  – личинка;  – қишлолдаги ғумбак.

9 - жадвал

Унаби меваларини омборхонада сақлаш давридаги зараркундалари

№	Зараркундаларни ўзбекча номи	Зараркундаларни латинча номи	Зараркундаларни русча номи
Тангақанотлилар туркуми (Lepidoptera) - Чешуекрылые или бабочки			
Парвоналар оиласи – Pyralidae - Огнёвки			
1	Жанубий омбор парвонаси (Хиндистон куяси)	<i>Plodia interpunctella</i> Hb	Южная амбарная огневка
Қаттиққанотлилар туркуми (Coleoptera) - Жесткокрылые			
Терихўрлар оиласи - Dermestidae - Кожееды			
2	Чипорранг терихўр	<i>Trogoderma versicolor</i> Creutz	Пёстроцветный кожеед
Қора танлилар оиласи - Tenebrionidae - Чернотелки			
3	Кичик ун митаси	<i>Tribolium confusum</i> Duv	Малый мучной хрущак
Ясси танлилар оиласи – Cucujidae – Плоскотелки			
4	Суринам унхўри	<i>Oryzaephilus surinamensis</i> L.	Суринамский мукоед

Унаби меваларини омборхонада сақлаш даврида юқоридаги зараркундалар билан зарарланиши 2018-2023 йилги кузатишлар жараёнида жануб омбор парвонаси, суринам унхўри, кичик ун митаси ва чипорранг терихўр кўнғизи каби қатор зараркундалар билан зарарланиши аниқланди (9-жадвал).

Диссертациянинг “Унаби зараркунда хашаротларининг энтомофаг ва касаллик кўзгатувчилари ҳамда уларнинг мувозанати” деб номланган бешинчи бобида унабининг дала шароитида ва мевасини омборда сақлаш даврида учровчи зараркундаларининг энтомофаглариининг самарадорлиги тўғрисида маълумотлар берилган.

Унаби мева пашшасининг личинкалари, ғумбаклари ва ғумбакдан энди

чиққан имаголарининг энтомофаглари мавжуд. Булар жумласига тупроқда яшовчи йиртқич кўнғиз - стафилинидлар, визилдоқ кўнғизлар, чумолилар ва олтинкўз киради.

Ўтказган тажрибаларимизда унаби мева пашшасининг маълум қисми *Beauveria bassiana* Vuil замбуруғи келтириб чиқарадиган касалликлар билан зарарланиши аниқланди. Тошкент Давлат Аграр Университетининг Тажриба стансиясида олиб борилган кузатувлар натижаси 5-жадвалда келтирилган. Жадвалдан маълумки, 2019 йилда ҳар бир м² дан олинган, 100 дона ғумбакдан 93 донаси соғлом ва 7 донаси яъни 7 фоизи касалланганлиги маълум бўлди, ҳамда қолган 93 дона соғлом ғумбакнинг 48 донасидан эркак жинсдаги ва 45 донасидан урғочи жинсдаги пашшалар чиқди (10-жадвал).

10-жадвал

Унаби мева пашшаси ғумбакларини *Beauveria bassiana* Vuil замбуруғи касалликлари билан зарарланиши

Йиллар	Ғумбакларни 1м ² майдондаги сони	Соғлом ғумбаклар	Касалланган ғумбаклар миқдори		Учиб чиққан пашшалар сони	
			Дона	фоиз	эркаги	ургочиси
2019	100	93	7	7,0	48	45
2020	95	81	14	14,8	38	43
2021	86	60	26	30,3	32	28
2022	54	22	32	59,3	10	12

Илмий изланишларимизда бракон паразити жануб омбор парвонаси личинкаларини зарарлаши ўрганилди (2-расм).



2 - расм. Бракон паразитининг жануб омбор парвонаси личинкасини зарарлаши (*Plodia interpunctella*)

Бракон энтомофаги жануб омбор парвонасининг 3-5 ёшли личинкаларига қарши 1:10 ва 1:5 нисбатларда фойдаланиш сақланаётган меваларни экологик безарар ҳимоя қилишга асос бўлади.

Диссертациянинг “Унаби энтомофаунаси инвазив турлари популяцияларини бошқариш усуллари ва уларнинг самарадорлиги” деб

